

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## «ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙДА КУТАМИЗ!»

Куни кеча янги хонадонларга эга бўлган бекаларнинг эзгу тилаги шундай

Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий ислохотларни амалга кенг татиқ этиш ҳамда ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида чиқарилаётган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида вилоятимизда ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

□ Ижтимоий ҳимоя



Қуйдаги рақамларга эътибор қаратинг: 2017 йилда вилоят бўйича 61 нафар, 2018 йилда 281 нафар ногиронлиги бўлган, оғир шароитда яшаётган, уй-жойга муҳтож фуқаролар имтиёзли равишда турар-жойлар билан таъминланган эди. Жорий йилда эса 430 нафар шундай фуқаролар-

ни тураржойлар билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, биринчи ярим йилликда уларнинг 173 нафарига имтиёзли тарзда уй-жойлар берилди.

Давоми 4-бетда ➡

Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

## ҲАММА ЖОЙДА АДОЛАТ БЎЛИШИ КЕРАК



2019 йил давомида вилоятда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида 7 минг 64 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг 6 минг 191 нафарининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бу ҳақда вилоят прокуратурасида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни яхшилаш, прокуратура органларининг очиклигини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда вилоят прокуратураси маҳкамаси таркибий тармоқ раҳбарлари, туман-шаҳар прокурорларининг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборотлар бўйича ёрдамчилари ҳамда журналистлар ва блогерлар иштирок этишди.

Тадбирда прокуратура органлари ҳалқ учун ҳақиқат маънода очик ва ошқора бўлиши, ҳуқуқ-тартибот идораларидан "адолат ҳиди" келиб туриши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида вилоят прокурори С. Самадов жорий йилнинг 10 ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида журналистларга маълумот берди.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда умумий жиноятчилик, айниқса, оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, боқчинчилик, товламачилик, ўғрилик, безорилик, фирибгарлик жиноятлари, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сони 20 фоизга камайган.

Давоми 3-бетда ➡

Янгийўл туманида "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одампийликнинг энг олий мезонидир" мавзусида бўлиб ўтган хайрия тадбирида янгийўлликларнинг шу каби кўплаб имконсиз кўринган муаммолари ижобий ҳал этилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда "Соғлом авлод учун" хайрия фонди вакиллари, туман секторлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## "УМИД"НИНГ УМИДЛАРИ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



Маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, аҳоли билан мулоқот ўтказиб, муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ташкил этилган хайрия тадбири аввалида сайёр қабул ўтказилди.

Туманинг энг олис маҳаллаларидан бири – "Умид" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган сайёр қабулда республика маҳаллалар кенгаши раиси ўринбосари Б. Парпиев, туман сектор раҳбарлари янгийўллик аҳоли билан мулоқотга киришиб, муаммоларини тингладди.

Аҳоли билан очик мулоқотда 32 нафар фуқаронинг уй-жой, соғлиқни сақлаш, коммунал соҳа, йўл, ичимлик суви, банд-

лик каби масалалар юзасидан муҳожирати тингланб, 15 нафарининг муаммоси жойида ижобий ҳал этилди. 17 нафарининг муҳожирати бўйича зарур вази-лар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

– Маҳалламиз қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, қарийб 2 минг 500 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди "Умид" маҳалласи раиси О. Мусаев. – Табиийки, туман марказидан 25 километр узоқда бўлган маҳалламизда ҳам йиллар мобайнида қатор йўналишлар бўйича муаммолар йиғилиб қолган эди. Президентимиз ташаббуси билан олиб

борилаётган, шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури доирасида жорий йил қишлоғимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, авваллари маҳалладошларимиз 5 километр олисдаги қишлоқ врачлик пунктига қатнаган бўлса, айни шу кунларда маҳалламизда икки қаватли замонавий оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. 11 та кўп қаватли уйнинг ташқи фасад қисми, 6 тасининг том қисми мукамал таъмирланди.

Давоми 3-бетда ➡

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

## Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Аҳоли саломатлиги – партиямизнинг устувор вазифаси" ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Янги парламент миллий манфаатларни ҳимоя қилиши шарт!" сарлавҳали мақолалар тахририятимиз томонидан тақдим этилган бепул нашр майдонлари доирасида чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг ➡

## БУГУН БИЗГА ОЧИҚ ВА ОШҚОРА, АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР ЯРАШАДИ

Тахририятимизга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларга оид кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Уларнинг аксариятига газетамизнинг аввалги сонлари орқали мутахассислар жавоб қайтаришди. Навбатдаги саволлар билан вилоят сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сирожиiddин Бобоқуловга юзландик.

□ Бизнинг суҳбат

– Шу кунларда сиёсий партиялар вакиллари иштирокида дебатлар ўтказилмоқда. Партиялар раҳбарлари, журналистлар ва блогерлар қатнашаётган дебатлар қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлмоқда. Вилоятимизда ҳам мана шундай дебатлар ўтказилаяптими?

– Албатта. Бугунгача бундай эркин дебатлар Чирчиқ, Охангарон, Олмалик шаҳарларида жуда фаоллик билан ўтди. Қолаверса, журналистларимиз ҳам партиялар вилоят кенгашлари раисларига бу ҳақда тақлифлар билан чиқишмоқда.

Айни вақтда вилоятимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 626 та округ сайлов комиссияси ҳамда 950 та сайлов участкасида семинар-тренинг-

лар ўтказилмоқда. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича семинар-тренингларда сайлов комиссиялари аъзолари ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Машғулотларда сайлов қонунчилиги бўйича таниқли олимлар, эксперт ва амалиётчилар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сирожиiddин Бобоқуловга юзландик.

Кези келганда, вилоятимиздаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, блогерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари бундай тадбирлар ва дебатларда янада фаол бўлишга чорланиши.

Давоми 3-бетда ➡

## ЗУЛМАТДА ТУҒИЛГАН ЭРТАКЛАР

Қиш келиши билан Чинозда, печка ёруғида аямдан эшитган эртақларим ёдимга тушаверади. О, биз қандай эртақлар туқишимизни билсангиз эди! Соат кечки олти бўлди ми – тамом. Чироқ ўчади. Гази гуриллаб турган печканинг қопқоғини очамизда аямнинг қаба-

□ Чироғи ўчмайдиганлар ўқимасин!

Хали газ йўқ пайт бир куни синфда турғизиб қўйишди. Сабабки, кийимимдан келаётган тутун иси устознинг бошини оғритганмиш... Чиндан, дадам хизмат сафари билан кетганда, баъзан мўримиш тўлиб қолар ва кечаси билан печка тутаб чиқарди. Шу тутунли йилларда туғилган қорача синглимга ҳалигача ҳазиллашиб:


"Сен тутунга бўкиб қолгансан, шунинг учун қорасан", деймиш. Синглим йиғлайди. Аччиқ-аччиқ, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлайди. У билмайдик, қоралик айб эмас...

Аямнинг эртақлари ҳақида гапирмоқчи эдим. Олов ёруғида зерикканимиздан аямдан эртақ сўрардик. Билардик. Билардикки, аямнинг эртақлари

аллақачон тугаган, янгиларини туқишга эса кун бўйи ўтин чопгани учунми, ҳеч ҳоли келмасди. Шу сабаб ўзим эртақлар туқий бошладим. Бу эртақларда Қизил Қалпоқчага Зумраднинг дўпписини кийдирар, Бўрини Фарҳоддек алпоқмат қилиб тасвирлар ва Бўрининг қўлига Фарҳоднинг кетмонини бериб, Қизил Қалпоқча "туғи-

либ ўсган" рус ўлкасига сув келтирдим. Сув шу қадар кўпайиб кетардики, натижада Нух пайғамбар инсониятни бу балодан қутқариш учун бир кема ясаб, жами яратикни унга жойлардида, олис ўлкага олиб кетарди. Бу ўлкада ҳеч қачон электр, газ ўчмас, болақайлар тутун хидли кийимлари учун мулзам бўлмас ва сингиллар қорачалигидан ўксинмасди. Йўқ, у ўлка сиз ўйлагандек Су-самбил ҳам бўлмаган. Шунчаки... Биз орзу қиладиган, иссиқ хоналари ичра болалар ёруғида дарс қила оладиган уйлари бор оддий манзил эди, холос...

Давоми 3-бетда ➡





# Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!

Ўзбекистон "Адолат" СДП жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уни дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, тиббиёт йўналишидаги таълим тизимини ислоҳ қилиш, мазкур соҳалардаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Сўнгги йилларда қалбаки дори воситалари муаммоси бутун дунё аҳолисини жиддий хавотирга солмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонга тегишли бўлган ривожланаётган бозорларда қалбаки дори маҳсулотларининг улуши дунё миқёсидаги сохта маҳсулот айланмаси улушидан 10 фоиздан 30 фоизгача миқдорни ташкил этиши мумкин.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ПАРТИЯМИЗНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Партиямиз дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш тарафдоридир. Амалда ҳам қалбаки ва ноқонуний дори воситаларига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш, дори-дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун чекланган рентабеллик даражасини ўрнатиш, аҳолини давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёжни қоплайдиган ҳақида дори воситалари билан таъминланиши учун курашади.

Очиғи, кейинги вақтларда беморларга рецепт ёзишда мавжуд меъёрий қоидаларни бузиш, маҳаллий маҳсулотлар қолиб, чет элда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситаларини тавсия этиш ҳолатлари кўпайгани, дорихоналарда уларнинг баҳоси турлича эканлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Шу боис, Президентимизнинг қатор қарорларида дори-дармон воситаларини тўғри тавсия этиш, таххис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга риоя этилишини қатъий назорат қилишни халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланди.

2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, янги фармацевтика корхоналарини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Демак, энди, аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи қондирилишига жиддий эътибор қаратилади, давлатимизнинг бу соҳадаги экспорт салоҳияти янада ортади, арзон нархларда фуқароларга дори воситалари етказиб бериш имконияти пайдо бўлади. Айниқса, ҳар қандай дорини олишга маоши ёки пенсияси етмайдиган, оқибатда саломатлигини ўйлаб қарзга ботадиغان ижтимоий қатламдагилар учун ҳам бу айни мудда.

Дори-дармон воситалари нархларининг асоссиз оширилиши, айримларининг баҳосида катта фарқ борлиги ҳамон кузатилаётган. Қарор билан мана шундай ҳолатлар тартибга солиниши халқни, унинг саломатлигини ўйлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайлидир. Шунинг учун тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ҳамда аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

Кези келганда, таъкидлаш жоизки, саратон ва рухий-асаб касалликлари билан оғриган беморларга онколог ёки психиатрлар томонидан тавсия этилаётган ва рецепт асосида бериладиган психотроп ёки наркотик дори воситалари билан таъминлаш фақатгина бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналар томонидан амалга ошириб келинмоқда. Аммо, республикамизнинг айрим туманларида бундай дорихоналар мавжуд эмаслиги сабабли беморлар ёки уларнинг қариндошлари рецепт асосида дори воситаларини олиш учун қўшни туманлар ёки вилоят марказларидаги дорихоналарга мурожаат қилишга мажбур бўлимоқдалар.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг белгиланган нархлари рўйхати шакллантирилганлигига бир ярим йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, нархлар қайта кўриб чиқилмаганлиги дорихоналарни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Юқоридаги аниқланган муаммолардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юборган.

Агар юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол равишда бузилса, уларга қатъий жазо қўлланилади ва ҳатто лицензияси бекор қилиниши мумкин. Маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчи корхоналарга бир қатор имтиёзлар яратилган. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун ўз эҳтиёжлари мақсадида олиб келинаётган хом ашёга қўшимча қиймат солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар белгиланган.

Дори воситалари ишлаб чиқариш қўламининг ортиши эса уни сотиш, харидор топиш муаммоси туфайли реклама, маркетинг каби тушунчалар ёрдамга келади. Глобал тармоқда фармацевтика маҳсулотларини реклама қиладиган сайтлар пайдо бўлмоқда. Натيجида, дунё матбуоти, интернет орқали айрим хасталиклар ҳақида шов-шув кўтарилди. Бир оз вақт ўтган, "Бош оғриғи, тиш оғриғи, томоқ оғриғи бирпасда қолади, ана, дори қутидан олиб ич", дейдиганлар пайдо бўлади. Баъзи фуқароларимиз томонидан эса: "Фалон дорини олсанг, тузалиб кетасан, деб реклама қилапти-ку", дея тавсиялар берили бошланганди. Дори воситасининг қўшимча таъсир эффекти қизиқтирмайди. Бу дори бош оғриғини қолдириб, ошқозонга ёки организмнинг бошқа қисмига ёмон таъсир қилса-чи? Организмдаги аллергия ҳусусиятлар-чи? Хуллас рекламага таяниб, ўз-ўзимизга шифокорлик қилиш қимматга тушибди мумкинлигини ўйлаб қўришга вақт тополмаймиз. Фармацевтика саноати янги дори воситасини синовдан ўтказиш ёки ишлаб чиқарган препаратини сотишга қаратилган рекламанинг кучини қаранг.

Шу боис, партия кейинги 5 йиллик фаолияти давомида дори-дармон соҳасидаги муаммоларни тўлиқ ўрганиб, ҳукуматга ечим бўйича таклифлар киритишни йўлга қўйиш, хусусий тиббиёт устидан давлат-санитария назоратини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратади. ОАВда дорилар рекламасини имкон қадар чеклаш, аптекалардан дори воситаларини сотиб олишда врач рецепти асосида берилишини қатъий белгиланиши мақсад қилган.

Қолаверса, аҳолини сифатли, арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Яқинлашиб келаётган сайловларда бизнинг номзодларга овоз беришингиз дори воситаларининг сифати қатъий назоратда бўлиб, сифатсиз дори воситаларининг ишлаб чиқарилишига ва четдан юртимизга кириб келишига асло йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади.

**Зоҳида СУВОНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутатлигига номзод,  
**Фируза АСАТОВА,**  
Халқ депутатлари  
Тошкент вилояти  
Кенгаши депутатлигига  
номзод

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сиёсий куч сифатида, мамлакатимиз фуқароларининг жинси, миллати ва этноқодидан қатъи назар, уларни ихтиёрий асосда бирлаштиришни мақсад қилган. Партия Марказий Кенгаши раиси Алишер Қодиров: "Парламентни халқ уйига айлантириш керак" деган ғояни илгари суради. Зеро, халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтовчи депутатлар парламентда халқни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш билан бирга, халқнинг сиёсий иродаси, ташаббусларини ҳам намоён этсалар, халқнинг давлатга ва депутатларга бўлган ишончи ортади.

## ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРТ!

Шунга кўра, партиямизнинг бош мақсади — миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз аҳолисини барча соҳаларда миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросни, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитишдан иборат экан, бунда, аввало, партиянинг парламентдаги фракциясига таянади.

Зеро, партиянинг янги тахрирдаги сайловолди Платформаси лойиҳасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси учун сайловолди курашга киришиш — бу ўзининг сайланган вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишини англайди.

Сўнгги йилларда юз бераётган кенг қамровли ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатимизни янада барқарор ва жадал ривожлантиришнинг мутлақо янги ғоя ҳамда принципларини амалга оширишни тақозо этади. Шундай экан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг вакиллик ҳокимияти органларига сайланиши, бу нафақат сайловчиларнинг юксак ишончи, балки юрт фаровонлиги йўлида фол ва фидокорона меҳнат қилишга шайланган бўлажак депутатларнинг ҳам ютуғидир.

Ушбу Сайловолди дастури билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз депутатлари вакиллик ҳокимияти органларида фаолият кўрсатиши учун сайловларда иштирок этишини эълон қилди. Партиямиз учун Ватан фаровонлиги бу — давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳар бир оила ва алоҳида шахснинг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш учун иқтисодиётни янги босқичда ислоҳ қилишдир.

Инсон омили ва унинг кадр-қиммати Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг доимий диққат марказидадир. Ўзбекистон шундай мамлакат бўлиши керакки, унда шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларини том маънода қафолатловчи ҳуқуқий механизмларнинг ишлаши, демократик жамиятнинг энг асосий кўрсаткичи ҳисобланган фикр ва сўз эркинлигини тўлиқ амалга ошириш, қонунларнинг сўзсиз устуворлиги ва амалда ижроси таъминланиши, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, барча фуқароларга, биринчи навбатда, ёшларга кенг истиқболлар, ўз устида ишлаш учун шароит ҳамда имкониятлар яратилиши лозим деб билади.

Шунингдек, ҳокимият бўғинларининг фаолияти жамият билан тизимли мулоқотга, давлатнинг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга асосланади.

Партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг сайловдаги ғалабаси қуйидагиларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Парламент даражасида халқнинг реал муаммоларига масъулиятли ёндашуви амалга ошириш, давлат ва халқ ўртасида "мулоқот майдони"ни шакллантириш, давлат органлари билан фуқаролар ўртасида "кўприк" яратиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги баътафсил ва очик ахборотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш назарда тутилади.

Бугунги даврнинг ўзи партиямиздан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларнинг ташаббускорлари ҳамда асосий ижросчиси бўлиши талаб этаётган экан, бунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг усту-

вор мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга ошириш йўлида қуйидаги аниқ таклифлар ва ташаббусларни илгари суради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатларни самарали амалга ошириш, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларида депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш, маҳаллий кенгаш раисининг ҳуқуқий мақомини аниқ

белгилаш ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишни мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, тегишли маҳаллий кенгашлар ваколатларига ҳокимларга нисбатан "Ишонсизлик вотуми" институтини қонунчиликда жорий этиш ташаббусини илгари суради. Давлат бошқаруви ва давлат хизмати учун малакали кадрлар тайёрлашда шаффофликни таъминлаш, салоҳиятли, чуқур билимга эга креатив фикрлайдиган ёшлар, аёллар ва етуқ тажрибали инсонларни қўллаб-қувватлаш орқали кадрлар танлови тизимини йўлга қўямиз.

Партиямиз давлат бошқарувида иштирок этишда давлат хизматчилари институтининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлат хизматчиси бўлиш ҳар қандай камситилишларсиз, объектив танлов асосида, инсонларнинг табақавий, мулкӣ, миллий ва бошқа фарқланishiларидан қатъи назар, фақат профессионаллик талаби орқали амалга оширишга интилади. Бунинг учун қонунлар ва қонунони ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ишларини мунтазам амалга оширади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси янги парламентда миллий манфаатларни ҳимоя қилишда мамлакат раванқига шахснинг мутлақо хур фикрлаши, унинг эркинлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқлиги, демократик жамиятнинг энг асосий кўрсаткичи ҳисобланган фикр ва сўз эркинлигини таъминлаш, Конституция ва қонунларда белгиланган плюрализмга, сўз эркинлигига, танқид ва қарама-қарши фикрларга тоқатли бўлиш, оппозицияга таъйиқ ўтказмаслик ғояларини илгари сураётган бунда жамият, давлат ҳаётига сингдиришга таянган ҳолда ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шунга кўра, партиямиздан сайланган депутатларнинг фаолияти партиянинг сиёсий дастури ҳамда Сайловолди дастурининг ижросини амалга ошириш юзасидан фаолияти доимий мониторинг асосида баҳолаб борилади. Партиямиз ўз депутатлари орқали "Барқарор қонунчилик" концепциясини илгари суриб, мазкур концепцияга асосан халқ билан мулоқотнинг самарали механизмида имкониятларидан фойдаланиш орқали депутатлик ва парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, қонунони ҳужжатларни оптимallasштириш, идоравий ҳужжатларни қабул қилиш тартибини босқичма-босқич қисқартириш, тўғридан-тўғри таъсир этувчи қонунлар қабул қилишни назарда тутиши билан аҳамиятлидир.

Биз мамлакатимизда яшаётган фуқароларимизнинг юртимиздаги ижобий ўзгаришлар натижаларини узоқ келажақда эмас, балки бугун кўришлари, уларнинг неъматларидан баҳраманд бўлишлари керак, деган принципиал ёндашув тарафдоримиз. Яқинлашиб келаётган сайловлардаги ғалабамиздан кейин парламент миллий манфаатларни ҳимоя масканига айланишига хизмат қилади. Шу боис, халқимизнинг чин маънодаги суяничи бўлиш каби юксак ишонччи бажаришимизда бизнинг номзодларга овоз беринг.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"  
демократик партияси  
Тошкент вилояти Кенгаши раиси





## "УМИД"НИНГ УМИДЛАРИ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Дарҳақиқат, маҳалла ҳудудида "Обод қишлоқ" дастури асосида аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтиришга қаратилган улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ҳудудда 220 ўринли янги мактабга таълим муассасаси, маҳалла гузари бўғд этилаётган. 50 хонадондан иборат икки қаватли тураржой қурилиб, шинам, барча қўлайликларга эга мазкур уй-жойларнинг 10 таси кам таъминланган оилаларга берилди.

Тадбир доирасида "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилиб, 100 нафардан зиёд иштирокчилар, жумладан, 50 нафар эркак ва 70 нафар аёлга ишга жойлаштириш юзасидан тушунтириш берилди. Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг бешинчи йўналиши – хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Umid Baraka Chevarlari" тикувчилик цехи фойдаланишга топширилди. Пироваддида, 160 хотин-қиз, шу жумладан, маҳалланинг 70 нафар хотин-қизлари доимий иш билан таъминланди.

"Соғлом авлод учун" фонди ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлари томонидан ташкил этилган тадбирда 400 нафардан зиёд кекса авлод ва кам таъминланган оила вакиллари, боқувчилари йўқотган ва ўзгалар кўмагига муҳтож фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқ доирасида бир гуруҳ фуқароларга бепул ногиронлиги арава-чалари, дори-дармон ва совғалар берилди.

**Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,**  
ЎЗА



– **Сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатишда хотин-қизларнинг сайлаш ҳуқуқига қай даражада эътибор қаратишди, деб ўйлайсиз?**

– Ўринли савол бўлди. Чунки, миллатнинг баркамол бўлиши кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг фаоллигига боғлиқ. Мил-

Мен эртақ тўқишдан, укаларим эшитишдан, аям эса печкадаги оловга қараб, қишнинг чироқсиз тунларидек узун-узун ҳаёллар суришдан чарчамасдик. Бизнинг завқимиз соат ўнда, чироқнинг беҳос ёниши билан тугарди. Менинг эртақларим каби. Печкада эса газ ҳамон гўмбурлар, аямнинг таъбири билан айтганда, "вариллаб" – борлигини билдириб турарди, гўё. Дарвоқе, турк тилида ваг – бор дегани...

Йўқ, адашибман, кадрдон. Эртақ тугамас экан. Телевизорни ёқамиз, "Оқшом эртақлари" бошланади. Бир чиройли, бир ширин... Экран ортидаги рақобатчимга алам билан боқиб, худди кинолардагидек хонамга шарт кириб кетмоқчи бўламан. Аммо қишда фақат битта хонамиз ишганини, хонамнинг поллари оёғимни "чақиб" олиши мумкинлигини эслаб, жойимдан жилломай қоламан. Майли, ҳечқиси йўқ, аммо... хонамда китоб ўқишим мумкин эди.

Тошкент келдим. Хей, бу чироқлар! Болалигим хотира-

◀◀ Бошланиши 1-бетда

ларидек ёруғ, тошкентликлар кўзларидек ўйчан, онанинг ўтин майдалагач қизариблар кетган бармоқларидек титроқ...

Ора-орада Чинозга бориб қўяман. Қўшни маҳаллаларда амакилар изиллаганча от-аравада ўтин ташмаллар, дўкочилар нондан кўра шамни кўпроқ сотиш билан банд. Эътибор бермайман. Сабаби, бу энди менинг муаммом эмас. Ҳар ҳолда, мен энди катта шаҳарда яшайман. Бинобарин, мени электр ё газ ўчиши эмас, фейсбукдаги ижтимоий баҳслар, кичик бир нимарсани топгани ҳамона бобом айтганидек, "иштонини бошига қийиб бақирадиган" сариқ матбуотчиларнинг хабарлари ва магистратурага қайси давлатга кетсам экан, деган масалалар қизиқтиради. Бегоналикка ўхшаш совуқ, аммо ичинини куйдириб юборадиган бир туйғуни туясан. Сесканасан, аммо бу газсиз уйланинг совуғидан

эмас. Ачинишдан, ё ҳатто ҳўрликдан ҳам эмас. Фақат... Маҳалланинг қайси бир кўчасидаги хонадонда, бир болакай дарс қилмаётганидан, китоб ўқиётганидан виждоним қийналади. Одам қуригандек айнан менинг...

тидий одамлар ҳам ўз тафаккурларини горларда, гулхан атрофида шундай услуб билан ўстирганлар. Ибтидий бўлса

– Яна свет келдими? – дадам ҳазил қилиб ясама норозилик билан хитоб қилади. – Ҳадеб келаверар-

# ЗУЛМАТДА ТУҒИЛГАН ЭРТАКЛАР



Хуллас, қишда бизнинг болалиқ чироқ ёниши ва ўчиши ораллигиде кечарди. Бу орада биз ўтин ташир, қийимларимиз ҳидланмаслиги учун целлофан халталарга жойлар ва... эртақлар тўқирдик. Печкадан деворга тушиб турган нурга, тўғрироғи, нур ичидидаги ҳавога ҳарфларни бармоқларим билан ёзардим. Менимча, иб-

нима? Мана, ўша ибтидий даврдиги ноқулай шароит сабаб шундай ривожланишларга эришдик. Лекин... бунга, шунчаки, миллиардлаб йиллар кетди, холос.

канда! Бир яхши ўтирувдик...

Дадамнинг ҳазилини фақат мен жиддийга оламан. Дарҳақиқат, чироқ келдими, эртақнамо ҳаёллар, Алиса билан

# ИККИ УМР СОҲИБАСИ

**Ижодкорнинг икки умри бўлади: у ҳаммамиз каби бу оламда кун кўриб яшайди ва фурсати келганда биринчи – омонат умрини ниҳоясига етказиши. Ижодкор асарларининг барҳаётлиги эса унинг иккинчи – боқий умри демакдир.**

□ Барҳаёт сиймолар

Чўлпон домла "Адабиёт яшаса, миллат яшар" деб беҳиз айтмаган. Бу, ҳеч шубҳасиз, мана шу миллатнинг маънавий барҳаётлиги йўлида бир аср олдин юракдан отилиб чиққан нидодир.

Бугунги кунда ҳам ижод аҳлига кенг имкониятлар яратиб бериш, шунингдек, марҳум ижодкорлар меросини ўрганиш, номини абадийлаштиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда шоира, фольклоршунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Музаияна Алавиянинг 110 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам айнан шундай хайрли ишлар жумласидандир.

М. Алавия 1909 йил Пискент туманида дунёга келган. 1928-1930 йиллар давомида Самарқанд педагогика билим юрти, 1934-1938 йилларда эса Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини тахсил олган.

Ёшлигидан ижодга ошно бўлиб ўсган М. Алавия ўн

Музаияна Алавия оқила, фозила, илмга кон шоира эди. Ўз иборалари билан айтганда, "Қирқ қалитли коинот сирини қидирардилар. Ақл, виждон, барча ҳислар коинот сари элтади, деб эътиқод қилардилар.

**Иброҳим Ғофуров,**  
Ўзбекистон санъат арбоби

саккиз ёшида "Маориф ва ўқитувчи" журналида ўзининг "Бугунги мен" номли биринчи шеърини эълон қилган. Фольклоршунос А. Тилабовнинг таъкидлашича, Музаияна Алавия ижодининг ўзига хос томони халқона қўшиқлар, лапарлар ва дostonлардаги оҳанглари ўз шеърятига олиб киргани ва ижодининг ўзгача қирраларини намоён этганидандир:

Нажот деган эрк гуллари қўлингда;

Шу гул билан юзларингни еллагин.

Умид ели кўп учрайди йўлингда,

Бу ел билан сочларингни сийпагин...

Ижод билан илмий фаолиятни тенг олиб борган оlima "Оқ олма, қизил олма", "Со-



Музаиянахон халқ қўшиқ ва эртақларини ёзиб олиб, ўзбек халқи тарихида оғзаки ижод намуналарини ёзиб олувчи ва келажакда тадқиқ этувчи биринчи оlima бўлганлигини ўзи ҳам сезмай қолди.

**Наим Каримов,**  
академик

вет даври қўшиқлари, "Интизор", "Дали" каби фольклор намуналари туркумини халқ ижодкорларидан ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган.

Ўзбекистон фанлар академияси Тил ва адабиёти институтини 1940-1988 йиллар дастлаб кичик, кейинчалик катта илмий ходим бўлиб ишлаган йиллари "Одамийлик", "Дил нидоси" ва "Ён қўшим, жон қўшим" каби рисола

Оlima Музаияна Алавия завқли, қувва ҳофизаси кучли, ўлан ва байтларнинг қони эди. Навоий Ҳазратдан, Ғузулийдан, Чўлпондан шу қадар тиниқ ва равшан бир оҳангга ғазаллар ўқирдики, майин ва ҳалим овози сизни элитарди.

**Ойдин Ҳожиёва,**  
Ўзбекистон халқ шоири

эълон қилган. 1973 йил Бегуний номидаги давлат мукофоти лауреати бўлган М. Алавия ўзбек халқ қўшиқларининг бадиий-эстетик хусусиятлари, маросим фольклори бўйича қимматли тад-

қиқотлар олиб борган. Шоиранинг ўғли тиббиёт фанлари доктори, профессор Анис Алавий онаси ҳақидаги хотираларида шундай ёзади:

...Онамини кўпчилик жасоратли аёл, дерди. Бунга биз гўвоҳмиз, албатта. Раҳматли отамиз ўн йилга Магаданга сургун қилиниб, 1939 йилгача ном-нишонсиз кетганида, турмуш юқини елкасида мардонор кўтарган аёл жасорат тимсоли бўлмай ким бўлсин?!

Дарҳақиқат, ўзбек шеърят ва фольклори ривожига катта хизмат қилган пискентлик онахонимизнинг илмий-ижодий жасорати таҳсинга сазовор. Бугунги кунда вилоятимиз бўйлаб оlima таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланаётгани чинакам ижод ва илм мангу заволи билмаслиги, ҳақиқий адабиётнинг умри боқий эканлигининг яна бир ифодасидир.

**Шохрўз МҲМИНЗОДА**

Кўзгуорти мамлакатига саёҳат қилаётган Нўхат полвонлар, Зухрани заҳарлаб Тоҳирнинг бошини айлантиришни режа қилган Шахризодалар бирдан йўқоларди, ўларди, дафн этиларди. Мен эса жимлигимни, экранда диктор Абдумўмин Ўтбосаров "Ахборот"ни ўқиркан, кўзлари қандай пирпирашини, дадамнинг қўшни қишлоқдагилар иссиқхонасига ўғринча труба ўтказгани учун газ камайиб кетаётганини ҳикоя қилишини кузатаман. Ва ҳамон ўрнимдан туролмайман, боиси, хонам совуқ. Менинг авзойим каби.

Ая, дейман. Аяжон, дейман. Биттагина эртақ айтиб беринг, дея ўтинаман. Аям қулиб кўяди. Энди дадам нафақага чиққан, доим уйда бўлади, мен тугул укаларим ҳам эртақларга ишонмай қўйишган. Аям эса эртақни Худо хоҳласа невараларимга айтиб бераман, деган хижолатпаз баҳонани ўрганиб олган.

Мен эса ҳамон эртақ истайман. Ахир, ҳамон чироқлар ўчаётган. Бу бир эртақ, бу бир орзу ва бир ҳўрликнинг ибтидоси эмасми?

**Мирзохид МУЗАФФАР**

## Маҳаллий кенгашлар айрим солиқларни тўлаш муддатини узайтиради

**Ҳукумат қарори (951-сон, 25.11.2019 й.) билан Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Низомга кўра, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, ягона ер солиғини тўлаш муддати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан молиявий ҳолати солиқ қарздорлигини белгиланган муддатда тўлашга имкон бермайдиган юридик шахслар учун узайтирилади.

Бунда қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлиши керак:

\* агар солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича қарздорлиқнинг бир марталик тўлови солиқ тўловчини банкротликка олиб келса;

\* солиқ тўловчининг ишлаб чиқариш ва (ёки) товарлар ҳамда хизматлар реализацияси мавсумий хусусиятга эга бўлса;

\* солиқ тўловчига табиий офат, технологик фалокат ёки энгил бўлгандаги қўшқарнинг бошқа ҳолатлари натижасида зарар етказилган тақдирда.

Солиқ тўлашнинг муддати 1 ойдан 24 ойгача:

\* солиқ қарздорлигининг бутун суммасига ёки унинг бир қисмига ёки келгусида юзга келадиган солиқ қарздорлигига нисбатан;

\* мазкур Низомда назарда тутилган бир солиқ ёки солиқларнинг бир неча тури бўйича узайтирилиши мумкин.

Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли қарорлари асосида амалга оширилади.

**Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри давлат солиқ инспекциялари**

## ҲАММА ЖОЙДА АДОЛАТ БЎЛИШИ КЕРАК

Вилоят прокурори сектори ҳудудида жами 255 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 156 минг 631 та хонадондан 744 минг 509 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Секторлардаги ишчи гуруҳлар томонидан биринчи ноябрь ҳолатига барча хонадонлар уйма-уй юриб ўрганилиб, 5 минг 639 та муаммолар мавжудлиги аниқланган. Уларнинг 4 минг 668 тасига ечим топилиб, 991 тасини ҳал этиш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилган.

Ички йўллари таъмирлаш борасида секторларда ўтказилган учрашувларда кўплаб муножаатлар келиб тушганлиги сабабли бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу борада амалга оширилган тадбирлар жараёнида бир қатор ҳудудларда маҳалла кўчаларининг 735,2 метр квадратидан шағаллаштириш ва асфальтлаштириш ишлари бажарилган.

Шунингдек, 16,4 минг метр канализация ва ирригация тизимлари таъмирланиб, канал атрофи ва унга туташ ҳудудларнинг 146,2 метр квадрати ободонлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш борасида 100 та текшириш ўтказилиб, 2 минг 72 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилган.

Фуқароларнинг муножаатлари ҳал этилиши ҳамда уларнинг қабулига жиддий эътибор қаратилиб, келиб тушган муножаатларнинг 32 минг 513 таси бевосита прокурортергов ходимлари томонидан ҳал этилиб, 3 минг 915 таси қаноатлантирилди, 4 минг 177 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган.

Тадбир якунида журналист ва блогерлар прокуратура органи фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Зухриддин ҚАМБАРОВ**

◀◀ Бошланиши 1-бетда

# БУГУН БИЗГА ОЧИҚ ВА ОШКОРА, АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР ЯРАШАДИ

латимиз, жамиятимиз келажги уларнинг қўлида. Оиладаги тотувликни олинг, жамиятдаги барқарорлиқни дейсизми, юрдаги осойишталик бўладими, умуман, дунё мувозанати аёллар туфайлидир. Мана шу ҳаётий ҳақиқатлардан келиб чиқиб, кейинги йилларда хотин-қизларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида бир қатор амалий ишларга қўл урилди. Шунинг учун барча вазирилик ва идораларда меҳнат қилаётган аёлларимиз сафи ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 2 сентябрь кунини Президентимиз томонидан тасдиқланган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари яқинлашиб келаяётган сайловларда ҳам ўз ифода-



этан ҳолда, сайлов жараёнида фаол иштирок этишади. – **Сайлов кодексига Марказий сайлов комиссияси аъзоларига Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Бу норманинг аҳамиятини тушунтириб берсангиз?**

этувчи ҳокимият сайловларга бевосита аралашади. Бизда эса Марказий сайлов комиссияси конституциявий мақомага эга бўлиб, у давлат идораларидан мустақил фаолият юритади. Шунга кўра, қонунчилигимизда сайлов комиссияси аъзоларига тўлиқ мустақилликни тақдим қилиш, улар фаолиятига аралашиб, турли идоралар таъкидларининг олдини олиш, том маънода очик ва ошқора, адолатли сайловларни таъминлаш мақсадида уларга дахлсизлик мақоми берилган, десак тўғри бўлади.

– **Овоз бериш жараёнининг натижалари тезкорлик билан маълум қилиб бо-**

нинг вилоятимиздаги бўлимида журналистлар овоз бериш жараёнидан омрани он-лайн режимиде хабардор қилиб бориш имкониятига эгадирлар. Вилоят сайлов комиссиясида ўша кун вақти-вақти билан уюштириладиган брифинг ва матбуот анжуманларида сайлов жараёни аниқ маълумотлар асосида шарҳлаб борилади.

Мухтасар айтганда, жорий йилги сайловларнинг очиклик, ошқоралик ва транспарентлик каби умумэтироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ ўтиши учун барча омиллар ҳисобга олинган.

– **Вактингиз тизим бўлишига қарамасдан суҳбатлашишга имкон топганингиз учун ташаккур.**

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусалим МАҲМУДОВ суҳбатлашди**

◀◀ Бошланиши 1-бетда



даги 39-мактабда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси гининг 27 йиллиги муносабати билан "Конституциямиз – ҳаққимиз, ҳурриятимиз" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Унда "Янги-обод" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ҳудуддаги ҳарбий қисм ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

## БАХТУ ИҚБОЛ ХАРИТАСИ

Тадбирда Конституция-миз халқимизнинг асрий орзу-интилишларини ўзида мужассам этгани, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти куриш ва халқимиз фаровон ҳаётининг ҳуқуқий кафолати экани, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидланди.

– Асосий Қонунимизда ҳар бир фуқаронинг нафақат ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, балки жамият олдидаги бурчи ҳам белгилаб берилган, – дейди ҳарбий хизматчи Азамат Аҳмедов. – Айниқса, ёшларнинг билим олиши, ўзи қизиққан соҳада малакали мутахассис бўлиб вояга етишида Бош Қомусимиз асосий ҳужжат бўлмоқда. Шунинг учун унинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга кенгроқ тушунириш орқали ёш авлод онгда ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаш зарур.

Давра суҳбатидида ўқувчилар қалбидида Бош Қомусимизга нисбатан ҳурмат, дахлдорлик, унда белгиланган меъёрларга амал қилишда масъулият туйғусини янада кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда таълим, фан, маданият, маърифат ва маънавиятнинг раванқ топишида мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётгани ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад – ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада кучайтиришдир, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қурбонали Абдуллажонов. – Бугун ўқувчиларимизнинг Конституция ҳақидаги билим ва кўникмалари мустаҳкамланиб, ҳуқуқий саводхон-

лиги янада ошди.

Тадбирда "Сиз Қонунни биласизми?" мавзuida викторинада барча ўқувчилар фаол иштирок этишди.

– Юртимизда биз, ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашимиз, ўзимиз қизиққан соҳа билан шугулланишимизга шароит ва имкониятлар етарли, – дейди 10-синф ўқувчиси Шухрат Абдурахмонов. – Бош Қомусимизда барча ҳуқуқларимиз белгилаб берилган. Устозларимиз Конституциямизнинг ҳар бир моддасини чуқур ўргатишмоқда. Бугунги тадбир бу борадаги билимларимизни анча бойитди.

Хусан САЙНАЗАРОВ, ДХХ Четвара қўшинлари ҳарбий хизматчиси Мансур ХИММАТОВ олган сурат

## «ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙДА КУТАМИЗ!»

Куни кеча янги хонадонларга эга бўлган бекаларнинг эзгу тилаги шундай

Куни кеча Оҳангарон шаҳридаги "Мажнунтол" тўйхонасида бўлиб ўтган тантанали маросимда вилоятимиздаги 110 нафар ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, шунингдек, огир оилавий турмуш шароитида яшаб келаётган хотин-қизга уй-жойлар орде-ри ва қалитлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев, вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Рустам Холматов сўзга чиқиб, бугунги кунда давлатимизнинг уй-жой сиёсати, биринчи навбатда, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламига қаратилаётганини, ўз навбатида, мана шундай хайрли ташаббуслар Тошкент вилоятида ҳали давом этишини таъкидладилар. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати туфайли узоқ йиллик орзуси ушалаб, ўз уй-жойига эга бўлганларнинг юзларида қувонч, кўзларида севинч ёшлари қалқиди. Дарҳақиқат, тақдирнинг огир синовларига дош бериб келаётган ўқик қалбларда бугун ҳаётга, яшашга қизиқиш қайта уйғонди. Энди улар

Бошланғич 1-бетда



ҳам янги уйларда янги ҳаёт бошлайдилар.

– Чексиз қувонч ва ҳаяжоним қандай ифодаланиш билан бўлмасин, – дейди ангрелик Дилфуза Лутфуллаева. – 11 ва 6 ёшли иккита ногирон болам бор. Бизга янги қурилган турар-жойдан икки хонали уй беришди. Бундан ташқари, мебель ва маиший техника жиҳозлари ҳам топширилди. Биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаётганларга катта раҳмат.

– Энди бизнинг ҳам уч хонали уйимиз бор, – дейди Писикент туманилик Маъмура Мирзаева. – Хонадонимизда барча қулайликлар яратилган, ҳатто, газ, сув ва иссиқлик таъминоти ҳисоблагичларига ҳам ўрнатиб беришди. Фарзандларимнинг

имконияти чекланган бўлгани учун яратилган шароитлардан мамнунмиз. Ўзимизни ҳудди соғлом одамлардек ҳис қилишимиз учун қайғураётган давлатимиздан миннатдорман.

Маросимда, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга реабилитация воситалари ҳам тарқатилди.

Тадбирнинг бадий қисмида фольклор ансамбли ва рақс гуруҳи иштирокчилари ижросидаги кўшиқ ва рақслар барчанинг кайфиятини янада кўтарди. Хурсандчиликлар меҳмонлар учун ёзилган тўкин дастурхон атрофидаги ширин суҳбатларга улашиб кетди.

К. САЛОМОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ХИММАТОВ олган суратлар



Келин қидиряпсизми?

"Тошкент ҳақиқати"да шеърлари чиққан қизлар орасидан танланг!

Кўёв қидиряпсизми?

"Тошкент ҳақиқати"ни ўқитган

ийгитларга

эътибор беринг!

Негаки, газетамизнинг ёшлар таълим-тарбияси, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ўрни катта.



Қадрли дўстлар! Севимли нашинингизга 2020 йил учун обуна бўлишнинг айна мавриди! Нашр индекси – 205



### Долзарб мавзу

Бахтиёр Аскарвич, тумандаги боғчаларда болаларни овқатлантириш қандай тартибда ташкил этилган?

– Бугунги кунда мамлакатимиз мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида аниқ меъёрлар белгиланган. Унга кўра, тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, ошхоналарда сифатли таомлар тайёрлаш, овқатланиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шaroитлар яратиш керак. Шунинг эътиборига олган ҳолда болаларнинг энергетик қийматини қоплайдиган ўн кунлик тахминий таомнамалар мактабгача таълим бўлими ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, боғчаларни сифатли озиқ-овқат таъминоти билан узлуксиз таъминлаш ва сақлашда санитария қоидалари ҳамда гигиеник нормаларга тўлиқ амал қилиниши назоратга олинади. Туманимиздаги боғчаларда ҳам боланинг ёши, соғлиги ва сарфлаган энергиясига қараб овқатлантириш йўлга қўйилган.

Таомномага хилма-хил озиқ-овқат ва мева-сабзавот таъминоти билан киритилиши болаларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожланишида катта аҳамиятга эга. Болаларга мазали ва тўйимли овқатлар тайёрлаш жараёнига ҳар бир ходим масъулият билан ёндашиши керак. Тарбияланувчиларни овқатлантириш мактабгача таълим муассасаси томонидан тасдиқланган кун тартиби асосида ташкил эти-

лади. Озиқ-овқат таъминоти тартиб-тартиб санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича таъминланиши юзасидан ҳар ўн кунлик ҳисоботи юритилади. Йўғма ҳисоботлардан келиб чиқиб, таомлар рақсонига киририлган озиқ-овқат таъминоти тартиб-тартиб қисми ва энергетик



қиймати доимий равишда таҳлил қилиб борилади. Масъул ходимлар ҳар уч йилда бир марта белгиланган тартибда мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш ташкил этиш бўйича малака оширилади.

– Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим тизимида жуда катта ислохотлар олиб бори-

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бўка туманига қарашли мактабгача таълим ташкилотларида бу борада кечаятган жараён ва амал қилиниши керак бўлган жиҳатлар тўғрисида туман мактабгача таълим бўлими мудири Бахтиёр ҚУРБОНОВ билан суҳбатлашдик.

## ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ – БОЛА САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

лаяпти. Сиз раҳбарлик қиладиган туман мактабгача таълим тизимида уларнинг ижроси қандай кечмоқда?

– Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори барча ишларимизда дастуриламал бўлмоқда. Биргина Бўка тумани мисолида олсак, мазкур қарор чиққунгача болаларни боғчага қамраб олиш 15

– Болаларнинг кундалик рақсонидида неча турдаги озиқ-овқат таъминоти бўлиши керак?

– Ҳар бир бола кунига 24 хил турдаги озиқ-овқат таъминоти билан таъминланган таомларни истеъмол қилиши даркор. Мавжуд таъминотлардан ранг-баранг иссиқ таом ва салатлар тайёрлаш эса ошпазларнинг маҳоратига, муассаса раҳбарининг оқилона иш юритишига боғлиқ. Мисол учун айрим боғча-



– Гоҳида мактабгача таълим муассасаларида иккинчи даражали таъминотлардан фойдаланилаётгани ҳақида эшитамиз...

– Баъзида таъминот корхоналари томонидан табиий сут ўрнига қуюлтирилган сут, гўшт ўрнига эса консервалangan гўшт таъминоти жўнатилади. Бу нотўғри. Бундай ҳолатларга барҳам беришимиз керак. Диетолог ва мутахассисларнинг фикрича, бола организмиди оқсил, ёғ, минерал моддалар ва углеводларни ҳар кун 1:1:4 нисбатда қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Шу боис, туманда фаолият кўрсатаётган барча муассасаларда болаларни овқатлантиришда қўйидагиларга эътибор беришмоқда. 3-7 ёшли боғча тарбияланувчиларнинг бир сутка ичидаги энергетик харажатлари 1 минг 600-1 минг 900 ккал.га тенг бўлиб, шундан 25 фоизи нонушта ва 15 фоизи кечки овқатланиш ҳисобидан қопланади. Болалар рақсониди барча озиқ-овқат таъминоти гуруҳлари – гўшт ва гўшт таъминоти, сут ва сут таъминоти, балик, тухум, ўсимлик ва ёрмалар нисбатини тўғри танлаш орқали тузилади.

Болаларни овқатлантириш режими бузиш, фаст-фуд таомлар, қотирилган нон, чипслар, газланган ичимликлар, кремли ширинликлар, уй шароитида тайёрланган

фоиз эди, ҳозир бу рақамни 46 фоизга етказдик.

Маълумки, соғлом, тетик болалар фанларни яхши ўзлаштирилади, касалликлар билан кураша олади. Шунинг учун уларни айна ўсадиған – боғча давриданок, зарур минералларга бой, хилма-хил озиқ-овқат таъминоти билан тўйинтиришимиз, момоларимиз айтганидек, "илигини тўқ қилиб" ўстиришимиз лозим.

ларда ходимларнинг ҳафсаласизлигидани, болаларга таомлар билан чой берилади. Бу нотўғри. Чунки, чой бола организмиди озиқ моддалар билан кирган темир моддасининг қонга сўрилишига тўсқинлик қилади. Натижада, анемия (камқонлик) касаллиги келиб чиқиши мумкин. Болаларга қишин-ёзин мева-лардан қайнатилган компот ёки турли табиий шарбатлар бериш керак.

|                                                                                                                    |                                                |                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                             |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b><br/><b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассисе:<br/><b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p> | <p>Бош муҳаррир<br/><b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b></p> | <p><b>Манзиллими:</b><br/>111500, Нурафшон шаҳри,<br/>Тошкент йўли кўчаси, 90.</p> <p><b>Тошкент шаҳридаги<br/>офисимиз:</b><br/>100000, Матбуотчилар<br/>кўчаси, 32.</p> | <p><b>Кабулхона:</b><br/><b>Бош муҳаррир ўринбосари:</b><br/><b>Масъул котиб:</b><br/><b>Бўлим муҳаррирлари:</b><br/><b>Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:</b></p> <p><b>Электрон почта:</b> toshkenthaiqati@mail.ru / th-tp@inbox.ru</p> | <p><b>Телефонлар:</b><br/>(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)<br/>(71) 233-70-10<br/>(71) 233-90-82<br/>(71) 233-38-23, (71) 233-48-08<br/>(71) 233-65-59, (71) 233-54-10</p> | <p>Тошкент вилояти<br/>Ахборот ва оммавий<br/>коммуникациялар бошқармасида<br/>2011 йил 12 январда 03-001 рақами<br/>билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати»<br/>таҳририяти компьютер марказида<br/>терийли ва Тоҳир Маҳмудхўжаев<br/>томонидан саҳифаланди.</p> | <p>Навбатчи муҳаррир<br/><b>Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА</b></p> <p>Назоратчи мусоҳиҳ<br/><b>Аллома АЗИЗОВА</b></p> <p>Навбатчи<br/><b>Мансур ХИММАТОВ</b></p> <p>ISSN 2010-9318.</p> |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|